

---

## **ЯХЛИТ ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНДА ЎҚИТУВЧИННИГ КАСБИЙ МАҲОРАТИ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ**

**Шоназаров Жамол Умирзокович**

*Халқаро инновацион университети “Педагогика” кафедраси в.б.доценти*

*Email: jshonazarov1331@gmail.com*

**Юсупова Нигора**

*(Халқаро инновацион университети 3 курс талабаси)*

**Аннотация:** Мақолада таълим соҳасидаги ислоҳотлар ва давлат таълим стандартлари асосида ўқитувчи шахсига қўйилган талаблар, бўлажак ўқитувчининг касбий шаклланиши ҳамда ўқитувчининг педагогик маҳоратга эришиши йўллари келтириб ўтилган.

*Шунингдек, ўқитувчининг педагогик – психологияк ва методик билимдонлиги, инновацион фаолияти уйғунлиги баён этилган.*

**Калит сўзлар:** таълим тизими, педагог шахси, касбий шаклланиш, педагогик маҳорат, инновацион фаолият, педагогик техника, педагогик технология, педагогик жараён, ижодкорлик.

## **ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ МАСТЕРСТВО УЧИТЕЛЯ И ИННОВАЦИОННАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ В ЦЕЛОСТНОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ПРОЦЕССЕ**

**Шоназаров Джамол Умирзокович**

*И.о. доцента кафедры “Педагогика” Международного  
инновационного университета, Узбекистан, г. Карши*

**Юсупова Нигора**

*(студентка 3 курса Международного инновационного университета)*

**Аннотация:** В статье рассматриваются требования к учителю, профессиональное становление будущего учителя и пути достижения педагогического мастерства учителем с учетом реформ в сфере образования и государственных образовательных стандартов.

*Описаны педагогико-психологические и методические знания, инновационная деятельность учителя.*

**Ключевые слова:** образовательная система, педагогическая личность, профессиональное становление, педагогическое мастерство, инновационная деятельность, педагогическая техника, педагогическая технология, педагогический процесс, творчество.

Мамлакатимизда амал қилаётган ягона ва узлуксиз таълим тизими ўқувтарбия жараёнини замонавий талаблар асосида самарали ташкил этиш масаласи жамият ҳаётининг турли жабҳаларида хизмат қилувчи юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашнинг энг асосий манбалари сифатида алоҳида ўрин эгаллади. Шунинг учун ҳам жамиятимиз ривожи, мамлакатимиз равнақи ва иқтисодиётининг ривожланиши бу таълим муассасаларидағи педагогик жараённинг ютуқлари билан узвий боғлиқ. Ушбу вазифаларни тўлақонли адо этиш ва баркамол авлодни тарбиялаш бевосита ўқитувчи-мураббийнинг касбий билимдонлиги, педагогик маҳорати, педагогик назокат ва ахлоқий фазилатлари асосида рӯёбга чиқарилади. Бу эса таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнига илгор шакллари, янги педагогик технологиялар, ўқитишнинг техник ва ахборот воситаларининг жорий этилишини таъминлаш, хусусан, ёш авлодга нафақат билим, кўникма ва малака, балки миллий ва умуминсоний маданиятни ташкил қилувчи – ижодий фаолият тажрибаси, атроф-муҳитга нисбатан ижобий муносабатларни ҳам тарбиялаш ғояси яхлит педагогик жараён ижодкорларининг кундалик ҳаётига айланиши, шунингдек, ўз касбига масъулиятли ёндашиши ҳар бир ўқитувчи фаолиятида кўндаланг қилиб қўйилди.

Узлуксиз таълим тизимининг олдига қўйилган давлат ва ижтимоий буюртмага мувофиқ Олий ўкув юртлари таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, илм-фаннинг сўнгги ютуқларини амалиётга жорий этиш орқали ижодкор, ижтимоий фаол, юксак маънавиятли, касб-хунарли, Она-Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, ижодий ва мустақил фикр юрита оладиган, давлат ва жамият олдида ўз бурчи ва жавобгарлигини ҳис этадиган баркамол шахсни камолга етказиш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш назарда тутилади [1]. Ушбу вазифаларнинг

муваффақиятли ҳал этилиши таълим-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишни тақозо этади.

Ўкув-тарбия ишларида ўқувчи-талабаларни мустақил ва ижодий фикрлашга, ўзгарувчан вазиятларга ўргатиш, эркин рақобат асосида фаолиятни ташкил этиш ҳамда уларнинг дарс машғулотларида ахборот технологиялари, электрон дарсликлар, анимация, видеоролик ва мултимедиалардан фойдалана олиши муҳимдир. Ана шу масалани назарий ва амалий жиҳатдан муваффақиятли ҳал этиш ўқитувчининг педагогик маҳорати ва инновацион фаолиятига боғлиқ ва ҳамоҳангдир. Чунки замонавий ўқитувчи шахси учун таълим тизимида ёки ўкув фаолиятида инновацияларни қўллашда сарфланган маблағ ва кучдан имкон қадар энг юқори натижани олиш мақсади кўзланади[2]. Инновацион фаолият илмий изланишлар, ишланмалар яратиш, тажриба-синов ишлари олиб бориш, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш асосида янги технологик жараён ёки янги такомиллаштирилган маҳсулот яратишдан иборат.

Инновацион фаолият педагогнинг руҳий, ақлий, жисмоний кучини маълум мақсадга йўналтириш асосида назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни эгаллаш, амалий фаолиятни назарий билимлар билан тўлдириб бориш, билиш, лойиҳалаш, коммуникатив нутқ ва ташкилотчилик маҳоратини ривожлантиришни талаб этади.

Педагогнинг инновацион фаолиятида педагогик маҳоратнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, унинг ўқитувчи шахси ва касбий фазилатларининг ўзаро боғлиқлигидадир. Ўқитувчи инсон сифатида шахсий фазилатларга эга бўлиши билан бирга, касбий билимдонлик, инсонпарварликка йўналганлик, педагогик қобилият ва педагогик техникага эга бўлиши лозимлигини тажриба кўрсатмоқда [3]. Шунингдек, ҳар бир педагог кадрлар тайёрлаш муаммосининг самарали ечими сифатида биринчи навбатда бугунги кун талабларига жавоб берса оладиган психология, педагогика, иқтисодиёт, экология, маданият, ҳуқуқшунослик ва шунга ўхшаш бошқа фанларнинг билим асосларини чуқур биладиган профессионал малакага, ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлиши таълим жараёнини самарали ташкил этишига ишорадир.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашда қуйидагилар ҳал қилувчи аҳамият касб этар экан:

- таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси;
- таълим муассасалари ва профессионал таълим дастурлари турларининг хилма-хиллиги, уларнинг фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари, иқтисодиёт ва технологияларнинг энг юқори андозалари ва қўринишларидан фойдаланиш;
- профессионал таълим тизимини устувор ва фойда келтирувчи иқтисодий тармоққа айлантириш;
- таълим муассасаларини замонавий ўқув - методик адабиётлар билан таъминлаш ва уларнинг моддий-техник базасини яратиш ҳамда уларнинг молиявий кўрсаткичларини мустаҳкамлаш;
- таълимни ташкил этиш ва бошқаришда ўқитувчи-мураббийлар фаолиятини мунтазам таҳлил қилиш ва қайта тайёрлашни такомиллаштириш ҳамда таълим инновацияларини педагогик жараёнга татбиқ этиш.

Ўқув машғулотларида ўқувчи-талабалар фаоллигини ошириш, педагогик фаолиятни самарали бошқаришда юқоридаги талаб ва омиллар ўқитувчининг касбий маҳорати ва педагогик техникасини такомиллаштиришда асосий ўрин тутади. Шу жиҳатдан педагоглар томонидан инновацион фаолият кўникма, малакаларини ўзлаштира олишларида уларнинг инновацион ёндашувга эга бўлишлари талаб этилади. Ана шундай ёндашувнинг натижаси ўқитувчининг ҳар томонлама ривожланган юқори даражадаги интеллектга эга бўлган, фан асосларини чуқур ўрганган билимдон, зукко, доно, фидоий, маърифатли ва маънавиятли инсон бўлиши кераклигини тақозо қиласи. Шунингдек, у ўз мутахассислигидан ташқари, хорижий тиллардан бирини эгаллаган бўлиши ҳамда компьютер техникасидан фойдалана олиши шарт.

Демак, инновацион фаолият янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги ёхуд педагогик амалиётда мавжуд шаклланаётган зиддиятли вазиятларни таҳлил этиш ва уни бартараф этиш имкониятлари, ўқитувчи-ўқувчи ҳамкорлигидаги уйғунлик масалаларига йўналтирилган фаолият саналади. Педагогик инновацияларнинг изчил равища таълим тизимига жорий этилиши ва педагогик фаолиятга тадбиқи педагогик жараёнда амалий ва ижобий натижалар бермоқда [4]. Шу боис ҳар бир ўқитувчи инновацияларнинг моҳиятини тўла тушунган ҳолда ўз фаолиятига изчил татбиқ эта олса таълим жараёни ҳам сифат ҳам самарадорлик нуқтаи назардан тараққий этади. Ўқитувчининг инновацион фаолияти педагогик

жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға ундовчи, бунёдкорликка рағбатлантирувчи куч сифатида намоён бўлади ҳамда у таълим жараёнининг сифатини кафолатлайди. Бу эса ўз навбатида таълим тизимининг ривожини таъминлайди. Демак, таълим-тарбия жараёнида ягона мақсад баркамол авлодни ҳар томонлама етук шахс сифатида шаклланиши ва ривожланишини мақсад қилар эканмиз, бу жараённи самарали бўлишида асосан ўқитувчи шахси энг муҳим фаолиятни амалга оширишда иштирок этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар/Список литературы**

1. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995.
2. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат.-Тошкент: ТДПУ, 2003.
3. Ишмуҳамедов Р. Таълимда инновацион технологиялар. -Т.: 2010.
4. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Т.: Фан, 2006.